

МАВЗУ: COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДАН КЕЙИН РИВОЖЛАНГАН ҚАНДЛИ ДИАБЕТДАГИ АУТОИММУН ЖАРАЁНИНИ КЕЧИШИ ВА АССОРАТЛАРИ.

Арипова М.Д, Хайдарова ФА, Алимова Н.У

Аннотация: Тадқиқот COVID-19дан кейин ривожланган қандли диабет (ҚД) хусусиятларини ўрганишга бағишланган. COVID-19дан кейин диабет ташҳиси қўйилган 70 нафар беморда гемостаз, D витамин даражаси ва бета-хужайраларга қарши аутотаначалар текширилди. Тадқиқот натижасида, диабет 1-тури (16,7%) ва LADA (4,76%) кўп учрагани, айникса, оилавий анамнези бўлган ёш аёлларда аниқланди. Беморларнинг кўпчилиги COVID-19ни енгил даражада кечирган ва кортикостероидлардан фойдаланмаган. Барча беморларда D витамин етишмовчилиги кузатилди. COVID-19дан кейин биринчи 24 ой ичида янги диабет ҳоллари кўп учради.

2-тур диабет беморларида D-димер ва фон Виллебранд фактори баландлиги аниқланди, бу тромбоз хавфини кўрсатади. 1-тур диабет беморларида VCAM-1 даражасининг ошиши эндотелиал дисфункциянинг ишоратидир. COVID-19 диабетнинг аутоиммун механизмни фаоллаштириши мумкин. Оилавий анамнези бўлган беморларда аутотаначаларни текшириш ва вақтинча инсулин терапиясини бошлаш тавсия этилади. COVID-19дан кейин ривожланган 1-тур диабетда юрак-қон томир касалликлари ва эндотелиал дисфункцияни назорат қилиш керак.

Калит сўзлар: пост-COVID-19, эндотелиал дисфункция, ICAM-1, VCAM-1, диабетга оид антитаначалар

COVID-19 пандемияси давомида диабетга чалинган беморлар вирус инфекциясига нисбатан, энг ногирон гуруҳлардан бири бўлиб, уларда оғир COVID-19 кечиши ва ўлим хавфи юқори бўлган. Диабет билан хасталанган беморларнинг имунитетининг пасайиши, юрак-қон томир системасининг зарарланиши ва бошқа мураккаб асоратлар COVID-19нинг оғир кечишига олиб келган. Бироқ, пандемия тугаганидан кейин ҳам SARS-CoV-2 инфекциясининг узоқ муддатли оқибатлари, шу жумладан диабетнинг янги ҳолатларининг кўпайиши, олимларнинг диққатини тортмоқда.

Мақсад: Бу тадқиқотнинг мақсади COVID-19дан кейин диабетнинг хусусиятларини, шу жумладан аутоиммун жараёнлар ва эндотелиал дисфункциянинг ролини ўрганишдир. Бундан ташқари, диабетнинг янги ҳолатларини ривожланиши, беморларнинг демографик хусусиятлари ва лаборатория параметрлари ҳам таҳлил қилинган.

Материаллар ва усуллар: Тадқиқотда COVID-19дан кейин қандли диабет ташхиси қўйилган 70 нафар бемор иштирок этди. Беморларнинг танланишида қуйидаги мезонлар қўлланилди: 1) МКХ-10 таснифи бўйича диабет диагнози, 2) гликирланган гемоглобин (HbA1c) даражаси $\geq 6,5\%$, 3) оч қоринда глюкоза даражаси $\geq 7,0$ ммоль/л, 4) плазмада тасодикий глюкоза даражаси $\geq 11,0$ ммоль/л. 2020 йил январь ойидан олдин диабет ташхиси бўлган беморлар ва гестацион диабетли беморлар тадқиқотдан чиқарилган.

Тадқиқот натижалари: Барча болаларнинг 28%ида 1-тур қандли диабет аниқланган, катталарда эса асосан 2-тур қандли диабет учраган (78,57 беморнинг 42%).

1-тур диабет билан оғриган беморларнинг аксарияти COVID-19ни енгил шаклда ўтказган ва оғир ҳолатларда кортикостероидлардан фойдаланмаган. Янги ташхис қўйилган барча беморларда D витамини даражаси паст бўлган.

1-тур диабет билан касалланган беморларнинг ўртача ёши $32,43 \pm 14,73$ ёшни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2-тур диабетли беморларга ($50,44 \pm 9,73$ ёш) ва LADA билан касалланган беморларга ($61,0 \pm 5,66$ ёш) нисбатан анча пастдир. Болаларнинг ўртача ёши $10,64 \pm 4,47$ ёш бўлиб, уларнинг ёши 2 ёшдан 18 ёшгача ораликда бўлган.

Тана массаси индекси (ТМИ) бўйича 2-тур диабетли беморларда ўртача кўрсаткич ($30,75 \pm 6,11$ кг/м²) 1-тур диабетли беморларга ($23,02 \pm 6,54$ кг/м²) ва LADA беморларига ($28,91 \pm 2,22$ кг/м²) қараганда юқорироқ бўлган.

1-тур диабет билан касалланган ёш беморлар орасида аёллар кўпчилики (71,43%) ташкил этган, бу эса умумий аҳоли орасида 1-тур диабет кўпроқ эркакларда учрашига зиддир. 2-тур диабетли беморлар ва болалар орасида эса жинсий тафовут кузатилмаган.

Оилавий анамнез 2-тур диабет билан оғриган беморларнинг 63,63%ида, 1-тур диабетли беморларнинг эса 42,86%ида мавжуд бўлган, болаларда эса бу кўрсаткич 7,14%ни ташкил этган.

Хулоса: COVID-19 инфекциясидан кейин қандли диабетнинг янги ҳолатлари, айниқса, 1-тур диабетнинг кўпайиши, ушбу касалликнинг аутоиммун механизмлар орқали шаклланиши ва SARS-CoV-2 вирусининг бета-хужайраларга таъсири билан боғлиқдир. Ёш аёлларда диабетнинг оилавий анамнези мавжуд бўлганда, уларда диабетга қарши антитаначаларни текшириш ва вақтинчалик инсулин терапиясини бошлаш тавсия этилади. COVID-19дан кейин ривожланган 1-тур қандли диабет юрак-қон томир тизими касалликлари ва эндотелиал дисфункция билан боғлиқ ҳолда даволаниши лозим.

Адабиет руйхати:

1. Американская диабетическая ассоциация. Диагностика и классификация диабета. Diabetes Care, 2021.

2. Всемирная организация здравоохранения. Последствия COVID-19: влияние на эндокринную систему. WHO Report, 2022.
3. Ярошенко, А.В., Климов, П.И. Влияние коронавирусной инфекции на аутоиммунные процессы при сахарном диабете. Журнал эндокринологии, 2021, 27(4), 45-53.
4. Patel, A., Verma, A. Post-COVID-19 Diabetes: Mechanisms and Clinical Implications. The Lancet Diabetes&Endocrinology, 2022, 10(3), 150-162.
5. Zhou, F., Yu, T., Du, R. et al. Clinical Course and Risk Factors for Mortality of Adult Inpatients with COVID-19. The Lancet, 2020, 395(10229), 1054-1062.
6. Rubino, F., Amiel, S.A., Zimmet, P. et al. New-Onset Diabetes in COVID-19. New England Journal of Medicine, 2021, 384(8), 789-791.